



Тасвир

№ 88 (2352)

1991 йил 23 июль

СЕШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЯИН.

Ўзномада босилмади, аммо...

Таҳририятимизга келган шикоят хатидан:

«... Мен бир нарсага хайронман. «Қувонч» номли ёшлар маданий маркази «Компрессор» заводи ишчи-хизматчилари учун хизмат қилиши керак. Лекин амалда бундай эмас. Бу ердаги буфетда нарх-наво осмонда. Ароқнинг баҳоси 20 сўм, сигарета 3 сўмдан 10 сўмгача. Бир пиёла қаҳванинг баҳоси эса 1 сўм! Шундай бўлгандан кейин бу ерда кимлар ҳордиқ чиқариши мумкинлигини бемалол тасаввур қилаверинг. Бу ҳам етмагандек, кеч соат 18 дан кейин беҳаё фильмлар намойиш этилади. Сизлардан илтимос, мана шу ерни назорат қилсангизлар».

Мухлисимиздан, яъни Уктамон Ниёзовдан келган мазкур шикоят хатини ўзномада чоп этишга шошилмадик, УзССР ИИБ БХСС бошқармаси бошлиғи милиция подполковниги С. Тахтинга чиқардик.

Яқинда эса Сергей Александрович йўллаган жавоб хатида айтилишича, У. Ниёзов шикояти Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ИИБ БХСС

бошқармаси томонидан чуқур ўрганилган.

Қонда бўйича «Қувонч» номли ёшлар маданий маркази мазкур корхона ва шаҳар аҳолиси талаб-хаттиёжларини қондириши, бу ерда тўғарақлар, ҳаваскорлар клублари ташкил этилиши, байрамлар нишонланиши, кўнгилочар томошалар қўйилиши керак.

Шу йил 14 июнь куни мазкур видеосалон мудири Александр Архангельский фуқаро Киселевага тўрт шиша коньякни 120 сўмга пуллаб, 40 сўм ошиқча ҳақ олиб қолди. Унинг олғирлиги ҳақида тўпланган материаллар Собир Раҳимов тумани халқ судига юборилди ва у 100 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Текширув давомида мазкур видеосалонда 60 та видеокассета борлиги аниқланди. Улардан 28 таси спорт маззуда, 16 таси хунрезликлар ҳақида, 11 таси бадий ва 5 таси даҳшатли картиналарни акс эттирувчи кассеталар экан. Лекин беҳаёликни тарғиб этувчи видеофильмлар топилмади. Шундай қилиб, шикоятчининг хати қисман тасдиғини топди.



Умрбек Машарипов Дўстлик шаҳрида истиқомат қилади.

У Дўстлик шаҳар ИИБнинг ДАН бўлинмасида хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: милиция кичик сержанти Умрбек Машарипов рациядан фойдаланишни ўрганимоқда.

С. БОБОЕВ олган сурат.

Доғлар чақалоқни йўрғаклашар экан, Валентинага қиз топганини айтишди. Эру хотини қизчани қип-қизил, нафис атиргулга қиёслаб Роза деб аташди. Афсуски, нисонининг яхши ё ёмон бўлиши исмига эмас, машаққатли тарбияга боғлиқ эканлигини унуттишди.

Роза 7-синфини ими-жиммида битириб олгач, ўқишни йиғиштириб қўйди. Танинозхон қўлини совуқ сувга уришни эса ҳаёлига келтирмасди.

Қулар, ойлар ўтиб, бир йигит билан учрашадиган бўлди. Қаҳвахоналарга фақат та-

лик қисмида телефон жиринглади.

— Қорақамиш 2/4, 16-уйининг 23-хонадонинда яшовчи Роза ота-онасини пичоқлаб қўйди...

Зудлик билан етиб келган милиция ходимлари йиғирма ёшли Розани қонли қўлида пичоқ кўтариб юрганини кўришди. Унинг беҳуш ётган отаси тезда касалхонага жўнатилди. Аммо онаси... Гувоҳлардан кўрсатмалар оллинб, ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Гувоҳ Ф. Кондратьева: «Соат 6 ларга яқин элик қўнғироғи чалинди. Очсам, қўшим Ва-

ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНАДИ

мадди қилиш учунгина эмас, шампан, сўнгра ўткирроғидан тотиб кўриш учун ҳам киришни одатга айланттирдим. Тез орада ҳомиладор бўлиб, кўзи ҳам ёриди. Бу билан ўзидан кўра ота-онасига ташвиш орттирди. Чақалоқнинг отаси эса хоҳласа хабар оларди, хоҳламаса йўқ. Енгил ҳаётга ўрганган Розага чақалоқни парваришлаш жуда малол келарди. У тўғайли машатлардан, айшу ишратдан маҳрум бўлиб қолиши мумкинлигини ўйласа, дунё кўзига тор кўринарди. Қуларнинг бирида ота-она ишдан қайтиб, на қизини, на набирасини топди. Ярим кечада гандирақлаб келган Розага барабар савол берилди.

— Набира қани!

— Отасига олиб бориб ташладим.

Шу-шу улар орасига совуқчилик тушди. У қаёқлардадир санқиб, ярим кечада уйга маст-аласт кириб келишини, ота-она эса панид-насиҳату жанжал кўтаришини қанда қилмади. Она шўрлик қўн-қўшнларга дардини айтиб, хнел енгил тортарди.

Эрта тонг. Соат 6.00. Собир Раҳимов тумани ИИБ навбатчи-

лентина. Унинг сўнги бор айтган сўзлари шу бўлди: «Мен ўйламан... тез ёрдам...» Кўчадан Розани чақиртирдим.

— Онанг ўлапти,— дедим беномусга...

— Ҳа,— деди у.— Уни мен сўйиб ташладим... Унга шу керак эди.

Сўнгра жон бераётган онасининг ёнига келиб, унинг шаънига ҳақоратли сўзлар айтди, сўкинди.

Гувоҳ М. Ломоносова: «Тонгда кўчада жанжал бўлаётганини эшитдим. Кўтилмаганда эшик қўнғироғи жиринглади. Қўшим Валентинани ўлаётганини, кўчадан Розани чақириб келишимни сўради. Розани айтиб келдим. У онаси ёнидан ўтаркан, бўлмагур сўзлар билан ҳақоратлади».

Воёга етказгунча не азоблар тортмаган она қизининг қурбони бўлди. Ота эса шифокорларнинг шошилиш чоралари тўғайли омон қолди.

Туман халқ суди ушбу жиноий ишни кўриб чиқиб, Роза Белякинани 9 йилга озодликдан маҳрум этди.

Ҳолмуҳаммад МУЙДИНОВ,
«Постданнинг» жамоатчи муҳбири.


ҚўМИТА РАИСЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

19 июль куни УзССР ички ишлар вазирлигида жумҳурият Олий Кенгашининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича қўмитаси раиси Эркин Ҳамдамович Халилов ҳамда иқтисодий ислохот ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш қўмитаси раиси Эркин Норматович Хўжаев билан учрашув бўлиб ўтди. Улар ўзлари етакчилик қилаётган қўмиталар фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб беришди. Сўнгра учрашув иштирокчилари томонидан билдирилган тақлифлар, таққидий фикрларга муносабатларини баён қилишди.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат бурчини ўташда туғилаётган муаммоларни тилга олишди. Жумладан, кўплаб қонунларни ҳаётга татбиқ этишда қатор қийинчиликлар юзага келаётгани, қонунлардаги номувофиқликлар тўғрисида куюниб гапириб ўтишди.

— Биз, — деди Э. Халилов тушган саволларга жавоб қайтарар экан, — барча қонунлар ижроси бўлганларингиз учун сизлардан тушаётган тақлиф ва мулоҳазаларни биринчи навбатда кўриб чиқамиз. Биргаликда иш олиб боришимиз кўзланган мақсадга хизмат қилади.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.



1991 йилнинг 14 июнида Москва-Душанбе йўналишидаги 24-тезюрар поездининг 10-вагонинда келаётган Термиз шаҳри прокуратурасининг ходими II-класс юристи Муртазо Абдуназаровга номатлум пассажир мурожаат қилиб, поездда унинг шимини

ва 300 сўмга яқин пулини ўғирлаб қўйишганини айтди.

У дарҳол поезд бригадирини орқали милиция ходимлари — сержантлар Сафар Холлєв ва Кенжа Мирзаевларни тақлиф этди. Кузатишлар натижасида ўғри аниқланди. У ҳарбий хизматдан қайта-

ётган Жамоҳон Абдураҳмонов бўлиб чиқди. 20 ёшни қаршилаган бу йиғитнинг қилмишига Термиз темир йўли милицияси баҳо беради.

Суратда: Ж. Абдураҳмонов.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

«Тун ярмидан оғиб қолганди. Навоий шаҳридаги Ленинград кўчасида эл тинчини кўриқлаётган милиция ходимлари «ВАЗ-21013» белгили И 0110 СН рақамли машинани тўхтатишди. Рулини «Ширкатсавдоси» қассоби 22 ёшли У. Салиев бошқариб бораётган автомобиль ичида кўрнмидан маст ҳолатдаги 6 киши ўтирарди.

Ҳайдовчи талаб қилинган ҳужжати кўрсатиш учун ДАН ходимларига яқинлашганда, унинг ҳаммаси 27 ёшли С. Нормухамедов машинани ҳайдаб кетмоқчи бўлди. Кўрилган чоралар туфайли у тўхтатилганда жисмоний қаршилик кўрсатиб, ДАНга тегишли хизмат «Жигули»си пешойнасини чиларчин қилди.

Шериклари эса ёлғиз қолган ДАН ходими М. Қўшатовга нисбатан ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этишади. Улардан бири инспекторга яқинлашиб, кўкрак нишонини юлқиб олади. Жаҳл ўтида ёнаётган бу савлатли киши ўзини тия олмасдан инспектор бўйнини ҳам тирнаб ташлади. Тунги ширакайфлар важоҳати ҳунуқлигини сезган М. Қўшатов ҳавога икита оғохлантирувчи ўқ узишга мажбур бўлди.

Қизиғи шундаки, ДАН ходимига тажовуз қилган, мастлигини ҳужжатларда акс эттирган шифокорлар бошига қора кунлар солишини айтган бу киши Навоий шаҳар халқ судьяси Ж. Хусанов бўлиб чиқди. Ҳазаб отига минса, адолат тарозинини кўлида тутган қознинг оддий ҳуқуқбузардан фарқи қолмас экан. Фақат омилар биллиб-билмай қонун юзига оёқ қўйишади.

Хурматли муштарийлар, ушбу мақолани рўзномамизнинг 4 апрель сониди ўқиганингиз ёдингизга тушган бўлса керак. Буни қайта ва тўлиқ келтиришимизнинг ҳам сабаби бор, албатта. Чунки 20 июнь куни Бухоро вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи М. Шайдоев имзоси билан ушбу мақола юзасидан қўйидаги мазмунда хат олди:

«Поста» рўзномамизнинг 1991 йил 4 апрель сонидидаги «Қозиларга отига минса», 13 апрелда эса «Правда Востока»даги «Без судебной волокиты» каби мақолаларда Навоий шаҳар халқ судининг судьяси Жаҳонгир Хусановнинг милиция ва наркологилик диспансер ходимларига нисбатан ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари танқид қилинган эди.

Юқоридаги ҳар иккала мақола ҳам Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг оператив ахборотига асосланган бўлиши мумкин. Бироқ келтирилган воқеа тафсилотлари ҳақиқатга тўғри келмайди.

Текширув жараёнида Ж. Хусановнинг милиция ва наркологилик диспансер ходимларига кўрсатган қаршилиги, тан жароҳати етказгани, таҳдид қилгани ва уларни ҳақоратлагани аниқланмади.

Навоий шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан Ж. Хусановнинг ҳатти-ҳаракатлари текшириб кўрилди ва ҳозиргача унга айблов қўйилган эмас.

УзССР ЖПКнинг 7-моддасига биноан суднинг ҳукми сиз ҳеч ким жиноят содир қилганида айбдор, деб тан олмайди. 1990 йил 12 июнда қабул қилинган «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги қонуннинг 25-моддасига амал қилган ҳолда рўзномамизнинг кейинги сониди мазкур мақола ҳақиқатга тўғри келмагани учун раддиянома эълон қилишнингизни сўраймиз».

Албатта, биз ўртоқ М. Шайдоев хати билан танишиб чиққач, ноқулай ахволга тушиб қолдик. Наҳотки бегуноҳ киши шаънига ноўрин муносабат билдирдик. Эки бирор бир англашилмовчилик юз бердимикан? Аммо хатда келтирилган: «Суднинг ҳукми сиз ҳеч ким жиноят содир этганлигида айбдор, деб тан олмайди»,— деган сўзлар бизни ажаблантирди. Чунки мақолада Ж. Хусанов жиноятчи дейилмаган. Бироқ унинг қонунбузар эканлиги таъкидланган. Бунинг учун муаллиф масъулиятни ўз зиммасига олади.

Хуллас бу масалага аниқлик киритиш учун Навоий шаҳрига боришга тўғри келди.

Сафар чоғида бир қанча гувоҳлар билан суҳбатлашшдан ташқари расмий ҳужжатлардан ҳам кўчирма олинди. Қўйида келтирилган баёнотни Навоий шаҳар ИИБ бошлиғи милиция майори Абдураҳим Набиев Бухоро

вилояти халқ депутатлари ижроия қўмитасининг давлат қонунчилиги бўлими бошлиғи номига йўллаган экан. Баёнотнинг тўла мазмуни шундай:

«Сизнинг оғзаки сўровингизга биноан қўйидагиларни маълум қиламан: 1991 йил 29 март куни кеч соат 01 ларда Навоий шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорияти бўлими ходими қўшатов, милиция старшинаси М. Қўшатов, милиция сержантлари Б. Тўхтаев, Ш. Эшбоев

латиб, тан жароҳати етказди, унинг кўкрагини «ГАИ» нишонини ва боши кийимини юлқиб ташлади. Шундан кейин М. Қўшатов ҳужумни қайтариш мақсадида қуролдан тепага қарата икки марта ўқ узди.

Машинани ҳайдаб қочган С. Нормухамедовни қўлга олган инспекторлар яна аввалги жойларига қайтиб келдилар. Бу пайтда милициянинг қўшимча кучлари ҳам ёрдамга етиб келишади. Улар биргалашиб ҳамма қонунбузарларни қўлга олиб, тиббий кўрикдан ўтказиш учун туманларо наркологилик диспансерга олиб боришади. Ж. Хусанов врач қабулхонасида яна тартибни буза бошлади. У наркологи диспансер бозарида Абдураззоқ Ҳамираевни ҳамда шу ерда навбатчилик қилаётган ҳамшираларни иззат-нафсониятига тегадиган беҳаё сўзлар билан ҳақоратлади. Уларга маъмурий жор қўллашга айтиб, дўқ уради. Шунингдек, Ж. Хусанов тиббий текширувдан ўтишдан қатъиян бош тортди, тиббий усулларини синдириб ташлади. Бироқ ходимларнинг қатъий ҳаракатлари туфайли у текширувдан ўтказилди ва унинг маст ҳолатда экани расмий ҳақоратдан тасдиқланади. Сўнгги қонунга биноан Ж.

уларни қаматиб юборилиши айтган. Бу ҳолат наркологи диспансернинг бош врачлари А. Ҳамираев, ҳамширалар К. Москалёва ҳамда К. Норқулловларнинг кўрсатмалари ва суд-тиббий экспертизаси, автомашинани кўздан кечириш протоколи, тиббий текширув натижалари ҳамда Ж. Хусановнинг маст ҳолатда эканлиги ҳақида тузилган протоколга асосан тасдиқланди.

Бундан ташқари ДАН ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан ўтказилган текширув якулилари ҳам уларнинг қонун доирасида ҳаракат қилганликларини исботлайди.

Жаҳонгир Хусанов Навоий шаҳар халқ судьясидир. 1989 йил 4 августда қабул қилинган «ССЖида судларнинг мақоми» ҳақидаги қонуннинг 6-моддасига асосан халқ судьясига нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласини фақатгина жумҳурият прокурорлари ҳал қилади. Шунинг учун ҳам сиздан Навоий шаҳар халқ судьяси Жаҳонгир Хусановга нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласини ҳал қилишигизни сўрайман».

Бу ҳужжат билан ҳам танишиб чиққач, менда бир савол турилди. Нима учун Бухоро вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи Муқим Шайдоев раддиянома эълон

— Биринчидан, ўша куни мен инспекторлар тўхтатган машина ичида бўлмаганман. Тўғри, ўша қонунбузарлар менинг яқин дўстларим. Бир неча дақиқа олдин улар билан бирга ичдим ҳам. Жанжалга қўшилишимнинг сабаби эса менинг уйимга бир йиғит келиб, ўша дўстларимни милиция ходимлари дўп-послаётгани айтиб, ёрдам сўради. Кейин мен у ерга боргандим.

— ДАН инспектори Қўшатовни кўкрак нишонини ва фуражасини юлқиб ташлаб, унга муштумзўрлик қилганингизчи?

— Бўлса бордир. Лекин ўша инспектор мени мажбурлаб, машинага ўтказмоқчи бўлди. Кейин қаршилик кўрсатдим. Ўзлари ҳам мени пешонамни уриб кўкартирдилар.

Шундан кейин Ж. Хусанов суд-тиббий экспертизасидан ўтганлигини айтиб, менинг олдимга бир неча суратларни қўйди. Унда доғ излари акс этган эркаклар шимининг умумий кўриниши суратга олинган экан.

Тўғри, тўс-тўполонда кимкимни қанча ва қай вазиятда урганни билиш мен учун мушкул эди. Бироқ буни аниқлайдиган мутахассислар ҳам йўқ эмас.

Шундай қилиб мен наркологи диспансерга қараб йўл олдим. Чунки Ж. Хусанов

МАВЗУГА ҚАЙТАМИЗ

РАДДИЯ ЭЪЛОН ҚИЛИНМАЙДИ

ва К. Хўжақуловлардан иборат гуруҳ шаҳарнинг Ленинград кўчаси бўйлаб хизмат вазибаларини бажаришга бошлаган бўлишган. Улар «ВАЗ-21013» белгили И 0110 СН рақамли автомашинани текшириш учун тўхтатганлар. Сабаби машина ичидаги йўловчилардан икки нафари ҳайдовчининг ёнида (олд ўриндиқда) бўлишган. Бу, албатта, йўл ҳаракати қондасига зиддир. Текширув пайтида автомашина ҳайдовчиси (У. Самиев, 1969 йилда туғилган. Самарқанд «Ширкатсавдоси»нинг қассоби. Самарқанд шаҳар Севастополь кўчаси 22-уйнинг 1-хонадонидида истиқомат қилади) маст ҳолатда эканлиги маълум бўлади. Унинг ёнида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган. Инспекторлар у билан суҳбатлашадиган пайтларида автомашина ичида ўтирган йўловчилар ҳам улар олдида келишди. Булар ҳам маст ҳолда бўлишган. Инспекторлар ҳаракатидан норози бўлган бу йўловчилар ДАН ходимларига қаршилик кўрсатишга тушдилар. Хизмат бурчларини бажараётган ходимларни ҳақоратлаб, безорилик қила бошлайдилар. Қонунбузарлардан бири С. Нормухамедов (1964 йилда туғилган, Самарқанд шаҳар Северная кўчаси 15-уйда истиқомат қилади. «Ширкатсавдоси»нинг қассоби) ўзлари келган машинага ўтириб, уни олиб қочди. Милиция сержантлари Тўхтаев ва Эшбоевлар ҳам зудлик билан ўзларига биритрилган патруль автомашинасида унинг кетига тушадилар. Қўлга олиш пайтида эса Нормухамедов инспекторларга қаршилик кўрсатади ва уларни ҳақоратлади. Уни патруль машинасида ўтқазётган пайтларида эса машина пешойнасини тегиб синдирган.

ДАН ходимлари М. Қўшатов ва К. Хўжақуловлар ҳам қаршиликка учрайдилар. Безориларча ҳаракат қилаётганлар орасида Навоий шаҳар халқ судининг судьяси Жаҳонгир Хусанов ҳам бўлиб, у милиция старшинаси М. Қўшатовга ташланади. Инспекторга куч иш-

Хусанов ўзининг бевосита раҳбари Навоий шаҳар халқ судининг раиси Зокир Ялғошовга топширилади. Қолган қонунбузарлар эса тиббий хушёрхонага жўнатилади. Бу воқеа ҳақида шаҳсан З. Ялғошов ҳамда Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Сатдулла Номозовга хабар берилган. Улар тезда етиб келганлар. Тўпланган барча ҳужжатлар эса Навоий шаҳар прокуратурасига юборилди».

Кўрииб турибдики, баёнотда келтирилган воқеа тафсилотлари биз эълон қилган мақола мазмуни билан ҳаммоҳанг. Ҳозир эса бу иш билан Навоий шаҳар прокуратураси ходимлари шуғулланаётган экан. Шунинг учун ҳам уларнинг фикрини билиш мақсадга мувофиқ эди.

Прокуратура катта терговчиси билан бўлган суҳбатимиз узоққа чўзилмади. У ҳам мени бир ҳужжат билан таништирди. Бу расмий билдириш хатини Навоий шаҳар прокурори адлия маслаҳатчиси Юлдуз Олжаева Бухоро вилояти прокурори номига юборган бўлиб, жавобини кутишадиган экан. Бу хабарни ҳам тўлалигича ўқувчиларга етказиш маъқул бўларди. Унинг матни шундай:

«Дастлабки тергов давомида шу нарса маълум бўлдики, 1957 йилда туғилган, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Навоий шаҳар халқ судьяси Жаҳонгир Хусанов милиция ходимларини қонуний талабга бўйсунмаган. Уларга қаршилик кўрсатиб, Навоий шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорияти бўлимидаги инспектори милиция старшинаси М. Қўшатовни мушт билан урган. Унинг боши кийими ва «ГАИ» нишонини юлқиб ташлаган. Бу ҳолат У. Худойкулов, М. Қўшатов, Р. Сулаймонов, А. Тўхтаев, А. Содиқов ва А. Аҳмедов каби гувоҳлар кўрсатмалари асосида тасдиқланди. Шунингдек, Ж. Хусанов Навоий шаҳридаги наркологилик диспансерга олиб борилганда, барча тиббий ходимларни ҳақоратлаган. Ж. Хусанов ўзини халқ судьяси эканлигини пеш қилиб,

экан? Ахир, ҳужжатларда Ж. Хусановнинг қонунга хилоф ҳаракатлари акс эттирилган-ку! Ўртоқ М. Шайдоев ўз хатида: «Текширув жараёнида Ж. Хусановнинг милиция ва наркологи диспансер ходимларига кўрсатган қаршилиги тан жароҳати етказгани, таҳдид қилгани ва уларни ҳақоратлагани аниқланмади»,— деган. Раҳбар нимага асосланиб бундай хулоса чиқарди экан? Бу саволга жавоб топиш мақсадида Навоий шаҳар халқ судининг раиси Зокир Ялғошов ҳузурига бордим.

— Мен воқеадан воқиф бўлгач, дарҳол наркологи диспансерга етиб бордим,— дейди у.— Жаҳонгир ҳақиқатдан ҳам маст эди. Лекин милиция ходимлари уни диспансерга олиб бориб нотўғри иш қилганлар. Чунки уларга бундай ваколат берилмаган.

— Сизнингча шундай вазиятда қандай ҳаракат қилишлари керак эди?

— Биринчидан Ж. Хусанов безорилик қилганини ёки йўқми, ҳозирча ҳеч нарса, дея олмайман. Умуман халқ судьяси жамоат тартибин бузиб безорилик қилса, у ўзининг бевосита раҳбарига топширилади.

— Милиция хизматчилари сизга бўйсинувчи ходимни кимга топширишди?

— Менга. Бироқ тиббий кўрикдан ўтказиб бўлишгач.

— Айтингчи, сиз ҳуқуқшунос сифатида Ж. Хусановни айбдор, деб ҳисоблайсизми ёки йўқми?

— Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Лекин у ўша воқеадан кейин бир неча кун ишта чиқа олмади.

— Нима учун?

— Чаккаси шилиниб, кўкариб қолган экан.

Кейинги суҳбатни бевосита Жаҳонгир Хусановнинг ўзи билан давом эттирдим.

— Рўзномамиз орқали мени ёмон олтиқда чиқариб қўйдингиз-ку,— дейди у.— Тўхмат қилиш ҳам шунчалик бўладими, ахир. Мақола ни Америкада ҳам ўқишган бўлса керак-ов.

— Кечирасиз, мақолани қаерида сизга тўхмат қилинган?

у ерга олиб борилганда, албатта, унинг ҳолати батафсил баён этилган ҳужжат ёзилиши керак. Бордию Ж. Хусанов тан жароҳати олган бўлса, бу ҳам протоколда қайд этилиши керак.

Туманларо наркологилик диспансер бош врачлари 1-тоифадаги наркологи врач Абдураззоқ Ҳамираев воқеа содир бўлган куни навбатчиликда бўлганини айтиб қўйидагича тушунтириш берди:

«29 март тунги соат 03 лардан ўртиб қолган эди. Шу маҳал Навоий шаҳар ИИБ ходими милиция катта лейтенанти Ш. Худойкулов бошлиқ милиция ходимлари қабулхонамизга бир неча йиғитни кўриқдан ўтказиш учун олиб келишди. Улардан бири 1957 йилда туғилган Жаҳонгир Хусанов эди. Унинг уст-боши маъсурий бўлиб, танаси ва кийимларининг бирорта жойида ҳам жароҳат излари йўқ эди. Соғлиги ҳақида шикоят ҳам қилмади. У ўзига эрк бериб, оғзига келган гални қайтармасди. Мени ва ҳамшираларни беҳаё сўзлар билан ҳақоратлади. Ҳаммамизни қаматиб юборилиши айтди. Ҳаттоки: «Қўлимга тушсаларинг ўлдираман»,— деб дағдаға қилди.

Ж. Хусановнинг кўзлари қизариб, қорачиги катталашиб кетган эди. Қонунга биноан биз уни текширувдан ўтказишимиз керак. Лекин у бундан қатъиян бош тортди. Бироқ қийинчилик билан бўлсада, уни текширишга муваффақ бўлдик. Қон босими жуда юқори (А/Д 150/100) экан. Мастлик даражаси ҳам юқори эканлигини «ППС» аппарати ёрдамида аниқлади. Сўнгги Ж. Хусановни халқ судининг раиси Зокир Ялғошов ўзи билан олиб кетди.

Орадан бир неча кун ўтгач, мени вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Муқим Шайдоев шаҳар ИИБга чақиртирди. Бўлган воқеани ҳаммасини ишдан игнасигача сўраб билди. Назаримда у киши бизнинг тиббий хулосамиздан норози

МАВЗУГА ҚАЙТАМИЗ

РАДДИЯ ЭЪЛОН ҚИЛИНМАЙДИ

(Боши 2-бетда).

эди. Шунинг учун ҳам ишни соғлиқни сақлаш вазирлигига юбориб, қайта текширувдан ўтказишни таклиф қилдим. Сўнгра ишларим кўплигини айтиб, ҳадеб мени чақиртиравермасликларини сўрадим. Бошлиқ эса бунга жавобан: «Керак бўлса, ўн марталаб чақиртирамиз, чунки бу оддий иш эмас», — деди. Мен шу пайтгача виждонимга қарши иш қилмаганман ва шундай бўлиб қоламан».

Раҳима Норқулова, навбатчи ҳамшира:

«Чамаси соат уч яримлар эди. Экспертиза хонасида бўлаётган тўс-тўполон ва шовқин-суронни эшитиб, у хонага кирдим. Олти нафар йигитни кўришдан ўтказиш учун олиб келинган экан. Шовқин кўтараятган киши эса Жаҳонгир Хусанов эди. Уни бош врачимизга қарата: «Сени икки йилга қаматиб юбораман», — деган гапларини эшитдим. Бундан ташқари милиция ходимларини ҳам ўлдириб билан кўрқитмоқчи бўлди. Навбатчи фельдшер К. Москалёвага уятсиз гапларни айтиди. Бу орада бир киши келиб, милиция ходимларига танбех бера бошлади. Кейин билсам, Ж. Хусановга ён босаётган бу киши Навоий шаҳар халқ судининг раиси Зокир Ялғошов экан. Мен ҳайрон қолдим. Чунки милиционерлар фақатгина безорини тиңчлантиришга ҳаракат қилишаётгандилар. Катта лавозимли одамлардан буни кутмаган эдим».

Ҳа, бу воқеанинг гувоҳи бўлганларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, бир хил мазмундаги жавобни эшитасиз. Ваҳоланки, ўн бир киши имзо чеккан акт ҳам Ж. Хусановнинг безорилиги ҳақидадир. Жаҳонгирнинг қачон ва қаерда тан жароҳати олишга улгургани эса ҳозир

ча фақат унинг ўзигагина маълум. Адолатпарвар бўлиши шарт бўлган судьянинг: «Мен инспектор тўхтатган машина ичиди эмасдим», — деган гапини эса ДАН ходимлари Ш. Эшбобоев ва А. Тўхтаевлар умуман рад этмоқдалар. Сабаби улар Жаҳонгирни машинадан тушиб келганини кўришган экан. Ж. Хусанов ҳаттоки воқеадан хабардор бўлиб тезда

етиб келган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси ўртоқ С. Намозовнинг ҳам талабларига итоат этмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Энди Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлигининг таҳририятимизга йўллаган хатига яна тўхталсак. Бизга бир масала ҳамон тушунарсиз бўлиб қолмоқда. Ўртоқ М. Шайдоев «аниқ-

ланмади», «исботини топмади» деган жумлаларни нимага асосланиб ёзди экан? Ахир, мен билан мулоқатда бўлган барча гувоҳлар воқеа ҳақида бир хил тушунча берганликларини айтмоқдаларку. Ёки 15–20 кишининг гувоҳлиги бир ёну биргина судьянинг ҳақми? Эҳтимол, Шайдоев бообру кишининг расмий номаси текшириб кўрилмайди, деб ўйлагандир?

Шу ўринда бизни яна бир савол ташвишга солади. Нима учун бошлиқ Ж. Хусановни жон-жаҳди билан асосиз равишда ҳимоя қилишга киришди экан? Наҳотки, турғунлик даврининг акс-садоси ҳали ҳам Бухорода янграб турган бўлса?!

Қоқорида қайд этилган далилларга асосланиб, «Постда» таҳририяти масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда «Ҳози газаб отига минса» номли мақола учун раддия эълон қилмайди ва уни асосли ҳамда тўғри ёзилган, деб ҳисоблайди. Чоп этилаётган ушбу мақола юзасидан эса тегишли идоралардан жавоб кутамиз.

Исмонл МИНАВВАРОВ, «Постда» муҳбири.

ПРОТОКОЛ 517. Судмедико-офтальмологическое освидетельствование для установления факта употребления алкоголя и состояния опьянения. 23 марта 1991 г. Пациент: Хусанов Жаҳонгир. Возраст: 1957. Место работы: г. Навоий Народной судья. Дата и точное время освидетельствования: 30.03.91. Причина освидетельствования: участие в дорожно-транспортном происшествии в состоянии опьянения.

9. Изменены ли признаки неравнозначности... 10. Состояние в состоянии употребления алкоголя и лекарственных средств... 11. Значит ли алкоголь или другое вещество... 12. Наличие алкоголя или другого вещества в выдыхаемом воздухе... 13. Другие данные медицинского осмотра... 14. ЗАКЛЮЧЕНИЕ (состояние обследуемого квалифицируется в формулах, предусмотренных в действующей инструкции Минздрава СССР...)

Суратда: Ж. Хусановнинг ўша пайтдаги ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат.

БУРЧИГА СОДИҚ

ДАН хизмати ходимлари доимо кўпчилигининг кўз ўнгига. Бирор юмуш билан остона ҳатлаб, кўчага чиққингми, маълум маънода тақдиринг улар фаолиятига боғлиқ. Ана шу нуқтан-назардан келиб чиққанда, йўл назоратчиларини милиция кўзгуси ҳам дейиш мумкин.

Туманимиз ИИБ ДАН бўлимасига милиция майори Рўзбой Дўстмухамедов раҳбарлик қилади. Биз шу нарсадан мамнунмизки, ке-

йинги пайтда мазкур бўлинимиз касбига садоқатли йигитлар, ҳисобига бойимокда. Натюқанда йўлдаги бахтсиз ҳодисалар тобора камаймоқда. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, бунга яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин. 1989 йилда туманимиз йўллариди 39 марта автофалокат содир этилиб, шу туфайли 8 киши ҳаётдан кўз юмган, 43 киши тан жароҳати олганди. 1990 йилда эса автофалокатлар сони 7 тага, қурбонлар биттага, жароҳатланганлар 11 тага камайди.

Шу йилнинг ўтган ойларидаги кўрсаткичлар ҳам бирмунча яхшиланди. Утган йилнинг шу даври билан таққосласак, бахтсиз ҳодиса никитага камайганини кўрамиз.

— Бизга юклатилган вазифа, агар чуқур ўйлаб кўрилса, ниҳоятда оғир, — дейди Р. Дўстмухамедов. — Чунки биз кишининг қаҳратон соғуғига ҳам, ёзининг жазирма иссиғига ҳам, қор, ёлғир ёққан, кучли шамол эсган кунларда ҳам кўчаларда улов қатновини назорат қилишимиз керак. Қолаверса, ўта маданиятли, хушмуомала ва ҳушёр бўлишимиз лозим. Шундагина одамлар бизни юракдан ҳурматлайдилар.


Ҳа, милиция майори Р. Дўстмухамедов шогирдлари ва сафдошларидан шунини талаб қилади. Аини пайтда шахсий ибрат кўрсатишга интилади.

Ф. МАЛИКОВ,

Ильич тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция капитани.

СУРАТДА: ДАН бўлимаси инспектори милиция катта сержанти Г. Хожиматов хизмат пайтда.

АБДУРАСУЛ ОТАНИ КИМ КЎРГАН?



Тошкент вилояти Оржоникидзе тумани ИИБ томонидан 1915 йилда туғилган, шу тумандаги Қибрай қишлоқ Кенгаши худудидаги Мевазор кўчаси

6-уйда истиқомат қилувчи Абдурасул Қайумов қидирилмоқда.

Ўта паршонхотир бўлган бу одам шу йил 12 июль кuni уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаган. Уша пайтда унинг бошида дўппи, эгнида кўк рангли кўйлак ва қора шим, оёғида килиш бўлган.

Абдурасул отани кўрган ва у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Оржоникидзе тумани ИИБга, энг яқин милиция бўлимига «02» рақамли телефон орқали ёки у яшайдиган манзилгоҳга — Оржоникидзе тумани, Қибрай қишлоқ Кенгаши худудидаги Мевазор кўчаси, 6-уйга хабар беришлари ни сўраймиз.


СОАТЛАР ОЛИБ ҚОЛИНДИ

Қарши шаҳри аэропортида ленинградлик фуқаро Карл Шпетков юкларни текшириб кўрилганида, 2227 сўмлик 41 та қўл соати чиқди. Буларнинг барчаси шаҳардаги 1-воситачи дўконга топшири-

либ, эгасига пули қайтарилди.

ИИБ ВХСС бўлимаси оператив вакили милиция лейтенанти Нўлдош Холмуродов 19 ёшли Карл Шпетковнинг мўмай пул топишига ижгон бермади. Х. ШОДИЕВ.





КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

Шу йил 24 июль кунини жумҳурият ички ишлар вазирлиги биносида доимий ҳаракатдаги кўргазма очилади. Унда алоқа воситалари, махсус ва криминалистик техника намоиши этилади.

Кўргазманинг вужудга келиш тарихи ҳам ўзгача. Бунга кўп вақт бўлгани йўқ. Ўзбекистон ССЖ Президентининг қўллаб-қувватлаши билан ИИВда ташқи алоқалар бўлинимаси иш бошлади. Унинг асосий вазифаси ҳуқуқ-тартибот идораларини хорижий махсус техникалар билан жиҳозлашда кўмаклашишдан иборат.

Яқинда ички ишлар вазири ўринбосари ички хизмат полковниги Э. Норгитов бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар Германияда бўлишди. У ерда полиция учун махсус техника ишлаб чиқарадиган Швейцария ва Германия фирмалари раҳбарлари билан учрашди.

Берлин шаҳрида эса «ЕЦГ» фирмаси билан шартнома тузилиб, ЎзССР ИИВда доимий ҳаракатдаги кўргазма ташкил этишга келишиб олинди. Кўргазмадан кўзда тутилган мақсад жиноятчилик билан муваффақиятли курашга мўлжалланган махсус техника воситаларини тарғиб қилишдир. Шунингдек, Қозғонистон ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари ички ишлар идоралари ходимларига техникани эгаллашда ва қўллашда ёрдам бериш ҳам назардан қочирилмаган.

Кўргазмани Швейцариядаги полиция учун техника ишлаб чиқарадиган бош фирма вице-президенти жаноб Дюби Рольф очади.


Кўргазмага валютага эга бўлган ва ҳуқуқ-тартибот идораларига замонавий махсус ва криминалистик техника харид қилишда кўмаклашишга тайёр ташкилот вакилларини таклиф қиламиз.

Доимий ҳаракатдаги кўргазма ҳар кунини (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 33-39-39, 39-70-81, 56-80-97.

В. ЗУЗЛОВ,
махсус мухбиримиз.

Audio Portable

GRABADORAS



MICROGRABADORAS



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатия кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаханаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД УзССР